



“ 20 ” феврал 2019 у № 4

**Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомга  
ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ, уй хўжаликларида танланма кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалдаги услубиятни янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 24 декабрдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 мартдан кучга киради.

Раис

Б.Бегалов

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитасининг  
2019 йил “ 20 ” феврал  
4 - сон қарорига  
ИЛОВА

**Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомга  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 15-банд учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ Шунингдек, уй хўжалиги кундаликни юритиш даврида бепул (ўз хўжалигидан, иш хақи ҳисобига, совға ва беғараз ёрдам тариқасида) келиб тушган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари ҳисобга олинади. Бундан ташқари, кундалик ёзувларида кундалик юритиш даврининг бошида ва охирида уй хўжалигида мавжуд сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари қолдиғи қайд қилинади.”.